

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ  
ФАН ДОКТОРИ (DSc) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ БИР  
МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ**

**РАХИМОВ АЛИШЕР ЮСУПЖОНОВИЧ**

**СИФАТЛИ ХОМ ИПАК ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСЛАРИ**

**05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси  
ва хомашёга дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата докторской диссертации**  
**Contents of the Abstract of Doctoral Dissertation**

**Рахимов Алишер Юсупжонович**

Сифатли хом ипак ишлаб чиқаришнинг такомиллаштирилган технологияси асослари..... 5

**Рахимов Алишер Юсупжонович**

Основы усовершенствованной технологии производства качественной шелко-сырца..... 31

**RakhimovAlisher**

Fundamentals of improved technology for the production of high quality raw silk technology..... 59

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 63

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ  
ФАН ДОКТОРИ (DSc) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ БИР  
МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ**

**РАХИМОВ АЛИШЕР ЮСУПЖОНОВИЧ**

**СИФАТЛИ ХОМ ИПАК ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСЛАРИ**

**05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси  
ва хомашёга дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.DSc/T400 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон машинасозлик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида ([www.nammti.uz](http://www.nammti.uz)) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Алимова Халима Алимовна**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ахунбабаев Охунжон Абдурахманович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Валиев Гулам Набиджанович**  
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

**Ахмедов Жаҳонгир Адхамович**  
техника фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Жиззах политехника институти**

Диссертация химояси Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.T.66.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги фан доктори (DSc) илмий даражасини берувчи бир марталик илмий кенгашнинг 2022 йил «29» январь соат 9<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160115. Наманган шаҳри, Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (69) 225-10-07, факс: (69) 228-76-75.e-mail [nei\\_info@edu.uz](mailto:nei_info@edu.uz)., Наманган муҳандислик-технология институти маъмурий биноси, 1-қават, кичик мажлислар зали).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (441-рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 160115. Наманган шаҳри, Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (69) 225-10-07).

Диссертация автореферати 2022 йил «17» январь куни тарқатилди.  
(2022 йил «17» январь 62-рақамли реестр баённомаси).



**Р.М.Муродов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
техника фанлари доктори, профессор

**Х.Т.Бобожонов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,  
техника фанлари доктори, доцент

**К.М.Холиқов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги  
Илмий семинар раиси, техника фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳон тўқимачилик бозорида ипак кичик улушга эга (- 0,2% дан кам) бўлса ҳам – хом ипакни қайта ишлаш ва ипакли матолар ишлаб чиқариш 60 дан зиёд мамлакатда тарқалган. Дунёда ипакни асосий ишлаб чиқарувчилар Осиёда бўлсада, кейинги пайтларда Бразилия, Болгария, Миср ва Мадагаскарда ҳам ипакчилик тармоқлари ташкил этилган. Хитой ва Ҳиндистон ипак етиштириш бўйича етакчи ўринларни эгалламоқда. Хитойда ипакчилик соҳасида 1 миллионга яқин ишчи меҳнат қилади. Ипакчилик Ҳиндистонда 700 000 хонадон ва Таиландда 20 000 тўқувчи оилалар учун даромад келтиради (ФАО, 2009)<sup>1</sup>. Ҳозирги кунда тўқимачилик маҳсулотлари-нинг турларини хилма-хиллиги, уни сифат даражасини юқори бўлишини тақозо этмоқда. Шу жиҳатдан ипак ишлаб чиқариш учун иш сифати юқори ҳамда энергия-ресурстежамкор техника воситалари ва қурилмаларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда ипак ишлаб чиқариш учун ресурс тежамкор технологиялар ва техника воситаларининг янги илмий-техникавий ечимларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, сифатли хом ипак ишлаб чиқариш қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашга, катта шаҳарларга миграциянинг олдини олишга ва ҳақ тўланадиган бандликни таъминлашга ёрдам беради. Тўқимачилик саноатини хомашё билан таъминлаш, энергия ва ресурсларни тежаш, соф ипак ёки уни аралашмаларидан ишлаб чиқиладиган маҳсулотларни хусусиятлари ошириш, ишлаб чиқариш технологик жараёни, параметрлари ва иш режимларини асослашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўзбекистонда ипак хомашёсини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлан- тириш, ипакчилик саноати корхоналарини модернизация қилиш билан ички ва ташқи бозорларда ипак маҳсулотлари рақобатбардошлигини таъминлашга, ипак ишлаб чиқариш ҳаражатларини камаййтиришга, энергия ва ресурс тежамкор технологияларни жорий қилишни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қайд этилган вазифаларни амалга ошириш жумладан, ипакчилик тармоғида юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун пиллани етиштиришдан бошлаб ипак маҳсулотлари ишлаб чиқаришгача бўлган технологияларни комплекс такомиллаштириш муаммо, уларни бажариш эса муҳим вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги”<sup>2</sup>, 2019 йил 31 июлдаги ПК-4411-сон “Пиллачилик тармоғида чуқур қайта ишлашнинг ривожлантириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти нинг Қарори, 2017 йил 29 мартдаги ПҚ-2856-сонли “Ўзбекипаксаноат”

<sup>1</sup><https://www.fibre2fashion.com/industry-article/6015/the-global-silk-industry>

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 – сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони.

уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарори, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. “Энергетика, энергия ва тежамкорлик” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Янги турдаги пилла дурагайлари яратиш, уларни иқтисодиёт тармоқларида жорий этиш, пилла етиштириш ва ҳосилдорлигини ошириш, пиллани чувиш технологияларини такомиллаштириш, муқобил ўлчамларини аниқлаш, юқори сифатли хом ипак ва ипакли мато ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш, уларнинг янги турдаги ассортиментларини яратиш бўйича хорижда Ли Хе Сон (КХДР), Фам Тхи Мин Ха (Вьетнам), Минами Сан, С.Гунзе (Япония), И.Долидзе, Г.Уклеба, Н.Ахобадзе (Грузия) ва бошқалар шуғулланишган.

Республикамизда пилла қобиғи молекуляр сирти структурасини, физик-кимёвий хоссаларини, технологик сув хусусиятларини пилла хомашёсидан фойдаланиш даражасига таъсири, пиллаларни дастлабки ишлаш, сақлаш жараёнларида уларнинг сиртини модификация қилиш, сирт фаол ва сувда эрувчи препаратларни пиллани дастлабки ишлаш, сақлаш, буғлаш ва чувиш жараёнларида қўллаш бўйича тадқиқотлар Ҳ.У.Усмонов, М.А.Асқаров, Б.И.Ойхўжаев, Э.Б.Рубинов, Л.Ю.Юнусов, М.М.Муҳамедов ва И.З.Бурнашев ва бошқалар томонидан ўтказилган. Хом ипакни чувиб олиб, уни қайта ишлаш техника технологияларини такомиллаштиришга қаратилган илмий изланишларда Х.А.Алимова, А.Э.Гуламов, Ш.Р.Умаров, М.З.Абдукаримова, И.А.Набиева, О.А.Ахунбабаев, Ж.А.Ахмедов, Н.М.Ислombeкова, Ғ.Н.Валиев каби олимлар ўзини муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Бироқ пилла етиштиришда янги технология ҳамда услубларни яратиш ва қўллаш асосида нуқсонларни камайтириш пилла қобикларнинг табиий хусусиятларини сақлаб қолиш, хом ипак сифатини халқаро стандарт талаблари даражасида ишлаб чиқаришга йўналтирилган комплекс илмий тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация учун танланган мавзу республикадаги мавжуд бўлган маҳаллий толали хомашёлардан фойдаланиб, импорт ўрнини боса оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасидаги Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти “Ипак технологияси” кафедрасининг режасига киритилган республика давлат Дастури (П-12.5. Научные основы технологии новых ассортиментов текстильных изделий (от волокна до готовой продукции) и разработка их системы сертификации и стандартизации)”, №И-2015-3-12 рақамли “Пилла хомашёсидан сифатли хом ипак олиш технологиясини такомиллаштириб ишлаб чиқаришга жорий қилиш”, Ф-А-2018-026 “Табиий ипакни ва унинг нанобўлакчаларини қўллаб, тиббиётда ва маиший эҳтиёжларда

фойдаланиладиган маҳсулотларни янги турларини ишлаб чиқариш усуллари ва технологияларини яратиш” (2018-2020) ва Ф-А-2018-004 “Янги зот ва дурагай тирик пиллалардан хом ипак ишлаб чиқариш технологиясини яратиш”, мавзусидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** пиллаларни етиштириш, унга дастлабки ишлов бериш, сақлаш, ипакнинг узвий, комплекс технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

ипакчилик саноатини тубдан ислоҳ қилиш учун янги кластер тизимларини таҳлил қилиш ва пиллачилик ва пиллакашлик тармоқлари негизида ипак кластерларини яратиш услубларини ишлаб чиқиш;

микроиқлим шароитида биологик фаол модда (БФМ) қўллаб сунъий дасталарда пилла етиштириш механизминини ипак курти ҳаётчанлигига, пилла қобиғининг ипакчанлигига, пилла ҳосилдорлигига ва пилланинг сифат кўрсаткичига таъсирини тадқиқ этиш;

микроиқлим шароитида БФМ қўллаб сунъий дасталарда етиштирилган хўл ва қуруқ пиллаларни тайёрлаш, ташиш, сақлаш ва дастлабки ишлов бериш (ДИБ) технологик жараёнларини пилла қобиғининг табиий технологик хусусиятларига салбий таъсирини тадқиқ қилиш ва оптимал пилла қуриштириш режимини ишлаб чиқиш;

микроиқлим шароитида БФМ қўллаб сунъий дасталарда пилла етиштириш, хом ипак ишлаб чиқаришнинг илмий асосларини яратиш, хўл ва қуруқ пиллаларни сақлаш, чувиш технологик параметрларини назарий ва тажрибавий асослаш;

микроиқлим шароитида БФМ қўллаб сунъий дасталарда етиштирилган пиллалардан чувиб олинган хом ипакни намлаш технологик жараёнларини тадқиқ қилиш, хом ипакни янги намлаш қурилмасини яратиш ва унинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида мўл ҳосилли, қобиғ ипакчанлиги юқори пилла етиштириш, унга дастлабки ишлов бериш ва сақлаш технологик жараёнлари, пилла хомашёсини чувишга тайёрлаш, чувиш ва хом ипакни қайта ўрашга тайёрлаш машиналари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** тут ипак курти, Хитой уруғидан маҳаллий шароитда етиштирилган дурагайлари, Ўзбекистон-5, Ўзбекистон-6, Хитой пиллалари, плёнка, БФМ, сунъий даста, ДИБ, хўл ва қуруқ пиллани сақлаш ва чувишга тайёрлаш жараёнлари, ғумбак ва этил спирти чиқиндисидан синтез қилиб олинган сирт фаол модда (СФМ) ва хом ипакни намлаш қурилмаси ҳисобланади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот жараёнида назарий механика қонуниятлари, статистик таҳлил усуллари, экспериментларни математик режалаштириш, иплар механикаси, амалий математика ҳамда тажрибалар таҳлили ва математик статистика, баҳолаш ва мақсадли электрон дастурлар воситасида муқобиллаштириш усулларидан фойдаланилди. Олинган натижалар Фишер ва Стюдент мезонлари билан таққосланиб, уларнинг ишончлилиги (95 %) аниқланди.

### **Тадқиқотнинг илмий янгиликлари:**

ипакчилик технологиясини комплекс такомиллаштиришнинг кластер асосларини концептуаль модели ва жараёнлари ишлаб чиқилган;

биринчи марта сунъий дасталарда плёнка остида БФМ билан тўйинтирилган тут барглари бериб боқилган ипак куртларидан олинган пиллаларнинг ҳар бир кг дан ҳавозага сарфланадиган ипак толасининг вазни деярли икки баробар кам бўлишига (33-34 грамм ўрнига 17 грамм) эришилган;

хом ипакни кичик чархлардан катта чархларга қайта ўраш жараёнида узилишлар сонини камайтириш, дастгоҳнинг иш унумдорлигини орттириш, ишлаб чиқариладиган хом ипакни сифат кўрсаткичларини яхшилаш мақсадида вакуумли универсал намлаш аппарати яратилди;

Ўзбекистон-5, Ўзбекистон-6 ва Хитойдан келтирилган маҳаллий шароитда янги усулда парваришланган ипак қурти уруғига V-ёшида баҳорги мавсумда 5,0 % ли ва кузги мавсумда 1,5 % ли концентрациядаги БФМ билан тўйинтирилган тут барглари берилганда қуртнинг ҳаётчанлиги 15 % гача ортиши, пилла етиштиришни 2-3 кунга қисқариши, қобиғнинг ипакчанлиги 1,5-2,8 % га абсолют кўпайганлиги исботланган;

пилланинг пишиб етилганлик даражасини пилла сифатига, узликсиз чувилиш узунлигига ва чувилиш коэффициентига боғлиқлиги аниқланган;

хўл ва қуруқ пиллани тайёрлаш, ташиш, сақлаш, ДИБ технологик жараёнларида пилла ва қобиқнинг технологик хусусиятларига салбий таъсир қилувчи ташқи механик кучлар, атроф-муҳит, микроқлим шароитларининг таъсири аниқланган ва ҳисоблаш усули яратилган;

хўл пиллага дастлабки ишлов бермасдан сақлаш ва чувиш технологик параметрлари ишлаб чиқилган ҳамда хом ипакни намлаш, қайта ўраш технологик жараёнлари такомиллаштирилган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

микроқлим шароитида БФМ қўллаб сунъий дасталарда юқори сифатли ва мўл пилла ҳосилини етиштириш ҳамда пилланинг технологик хусусиятларини ошириш усули ишлаб чиқилган (патент №IAP 03800);

янги усулда етиштирилган пиллаларни, СФМ лар билан модификация қилиш ва ДИБ технологик жараёнларини такомиллаштирилган усули ишлаб чиқилган;

хўл пиллага дастлабки ишлов бермасдан сақлаш ва чувиш, хом ипакни намлаш, қайта ўраш технологик жараёнлари такомиллаштирилган;

пиллаларни узоқ муддат сақлаш жараёнида уларнинг табиий технологик хусусиятларини сақлаб қолиш мақсадида СФМ лар билан пилла қобиғи сиртида плёнка ҳосил қилиниб, турли хилдаги зараркунандалардан, пилла қобиғидаги серицин моддасини ҳаводаги кислород билан оксидланишидан ва келгусида олинадиган ипакнинг ялтироқлигини камайтирувчи чанг-ғуборлардан сақлаш усули ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқарилган хом ипакни кичик чархлардан катта чархларга қайта ўраш учун тайёрлаш технологик жараёнини такомиллаштириш учун универсал намлаш аппарати яратилган.



**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги микроклим шароитида БФМ қўллаб сунъий дасталарда етиштирилган пиллаларга ДИБ дан олдин СФМ лар билан модификация қилинган пиллани сақлаш ва чувилиш хусусиятларини орттириш устида олиб борилган замонавий усул ва ўлчаш воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, назарий ва экспериментал тадқиқотларнинг ўзаро адекватлиги, амалий тадқиқотлар натижаларини математик статистика фани талаблари билан ҳисоблаш синовларининг ижобий натижалари ва амалиётга жорий этилганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** “Ипак кластери” ни тузиш асосида сифатли пилла етиштириш, хом ипак ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш, микроклим шароитида БФМ ни қўллаб сунъий дасталарда парваришланган пиллаларнинг юқори сифат кўрсаткичлилиги, ипакчан қобиғлилиги, мўл ҳосиллилиги, навли пиллаларнинг улушининг юқорилиги, навсиз ва нуқсонли пиллалар улушининг камайганлиги билан изоҳланади.

Етиштирилган пиллаларни узоқ муддат сақлаш учун пилла қобиғидаги серицин моддасини ҳаводаги кислород билан оксидланишидан, турли зараркунандалардан ва ипак ялтироқлигини камайтирувчи чанг-ғуборлардан сақлаш учун, унинг қобиғини СФМ билан модификациялаб, қобиғнинг табиий хусусиятларини сақлашга эришиш асосида хом ипак чиқиш миқдорини ошириш, пилла ипининг узликсиз чувилиш узунлигини ошириб, меҳнат ва ускуна унумдорлигини ўсишига эришиш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Пиллаларни етиштириш, унга дастлабки ишлов бериш, сақлаш, ипакнинг узвий комплекс технологиясини такомиллаштириш параметрлари ва иш режимларини асослаш бўйича олинган натижалар асосида:

микроклим шароитида БФМ қўллаб сунъий дасталарда етиштирилган пиллаларга ДИБ дан олдин СФМ лар билан модификация қилиниб, пиллани сақлаш ва хом ипак ишлаб чиқариш технологик жараёнларини такомиллашган усули Андижон вилояти Жалақудуқ туманидаги “Жалақудуқ-Қайрағоч” фермер хўжалигида, Жалақудуқ бош пиллаҳонасида ва “Ҳарир тола” масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқаришга жорий этилган (Ўзбекипаксаноат уюшмасининг 2021 йил 13октябрдаги 4-2/1652 - сон маълумотномаси). Натижада 382,62 кг пилла етиштирилди ва Жалақудуқ бош пиллаҳонасида бу пиллаларга дастлабки ишлов берилди ҳамда “Ҳарир тола” масъулияти чекланган жамиятида чувилиб 50 кг хом ипак ишлаб чиқарилди;

янги усулда пиллани сақлаш ва хом ипак ишлаб чиқаришдан олинган иқтисодий самарадорлик: 4,2 кути ипак қуртидан ҳўл пилла етиштириш ҳисобига 1856290,97 сўм, пиллани қуритиш вақти ва кунини қисқариши ҳисобига 4803240 сўм ва 50 кг хом ипак ишлаб чиқаришдан 2400000 сўм фойда олиш имконияти яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 26 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги:** Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 26 та мақола, жумладан, 22 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган. 1 та монография чоп этилган ҳамда 1 та Ўзбекистон Республикаси патенти олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, бта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 213 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида илмий тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналиш ларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Пилла етиштириш ва ипак ишлаб чиқариш ҳолатлари ва истиқболлари”** деб номланган биринчи бобида Республика ипакчилик саноатининг ривожланиш йўналишлари ва истиқболлари, пилла етиштириш ҳолатлари ва усуллари, ипак қурти уруғини жонлантириш ва боқиш жараёнларини пилланинг сифат кўрсаткичларига таъсири, ипак қуртини боқиш даврида метрологик шароитларни пилланинг сифат кўрсаткичларига, микроклим шароитида БФМ қўллаб ипак қуртини боқиш, пилла ўраш даврида сўкчаклар ва дасталарнинг аҳамияти, пиллага дастлабки ишлов бериш (ПДИБ) технологик жараённинг пилла қобиғи технологик хусусиятларига таъсири, қуруқ ва ҳўл пиллаларни сақлаш, чувиш технологик параметрлари ва усуллари масалаларига оид тадқиқотлар натижалари таҳлили баён этилган.

Республикада бир кути ипак қурти уруғидан 50-52 кг пилла олинади. Бу пиллаларнинг 75-78 % I-II навли пиллалардан иборат. Ипакчилик тармоқлари ривожланган давлатларда бу кўрсаткич 1,3-1,5 марта юқори бўлиб, навли пиллалар улуши 93-94 % ни ташкил этади ва уларнинг жаҳон бозоридаги нархи республикада етиштирилаётган пиллаларга нисбатан 3-4 баробар юқори ҳисобланади.

Республикада етиштирилаётган пилланинг технологик хусусиятлари ва ишлаб чиқарилаётган хом ипак сифат кўрсаткичлари жаҳон андозаларининг 3А, 4А класс талабларига ҳам мос келмайди. Чунки пилланинг технологик хусусиятларининг пастлиги; ипак қуртини боқиш саноат асосида эмаслиги; қуртларни боқишга микроклим шароитлари яратилмаганлиги; қурт озуқасини тўйимлилигига эътибор қаратилмаганлиги; сунъий дасталар билан таъминланмаганлиги; пиллани дастлабки ишлаш иссиқ ҳаво ёрдамида амалга оширилиши; етиштирилган ҳўл ва қуруқ пиллаларни сақлаш технологик


жараёнларини такомиллаштирилмаганлиги оқибатида 10-12 % пилланинг қобиғида йирик нуқсонли ва чувилмайдиган яроқсиз пиллалар ташкил этмоқда.

Ипак қуртини яхши ўсиши ва ривожланиши учун энг мақбул ҳарорат 25-27<sup>0</sup>С. I-III ёшдаги ипак қуртлари 26-27<sup>0</sup>С да боқилганда пилла сифати яхши бўлади, ипак қурти I-III ёшда 23<sup>0</sup>С ҳароратда боқилганда етиштирилаётган пилланинг оғирлиги 1,75 грамм; 25<sup>0</sup>С да 1,82 грамм; 28<sup>0</sup>С да 1,95 грамм бўлади. Шунинг учун I-ёшда 26-27<sup>0</sup>С, II-ёшда 26-27<sup>0</sup>С, III-ёшда 26-27<sup>0</sup>С, IV-ёшда 25-26<sup>0</sup>С, V-ёшда 24-25<sup>0</sup>С, пилла ўрашда 25<sup>0</sup>С тавсия этилади.

Диссертациянинг **“Микроиқлим шароитида БФМ қўллаб сунъий дасталарда пилла етиштириш усулини пилла қобиғининг технологик хусусиятларига таъсири”** деб номланган иккинчи бобида пилла қобиғининг технологик хусусиятларига, пиллани пишиб этилганлик даражасига, пилланинг сифат кўрсаткичларига ва пилла лосининг миқдори ҳамда унинг ифлосланиш даражасига микроиқлим шароитида БФМ қўллаб сунъий дасталарда пилла етиштириш усулини таъсири борасида олиб борилган тадқиқот натижалари батафсил баён этилган.

Ипак қуртини боқишда ипак қурти озукасига 0,5; 1,0; 1,5; ва 5,0 % БФМ нинг сувли эритмаси махсус пуркагич билан бир текисда сепилиб, тут баргига шимилиши учун 20-25 дақиқа давомида полиэтилен плёнкага ўралди ва барг сергитилгандан кейин Ўзбекистон-5, Ўзбекистон-6 ва Хитой ипак қурти дуругайларининг I;II; III; IV; V-ёшларида берилди. Бунинг учун тут баргининг 200 гр. га 25-30 мл/л сувли эритма сарфланди ва ипак қуртининг V-ёшида баҳорги мавсумда 5,0 %, кузги мавсумда 1,5 % концентратли БФМни сувли эритмасини қўллаш самарадорликни оширди.

I-II-III ёшлардаги ипак қуртларини микроиқлим шароитида полиэтилен плёнкаси остида боқиш учун ҳар 10 см. да 10 мм тешикчалар очиб қўйилди. Беш йил давомида олиб борилган тажрибалар натижасига кўра ипак қуртини II-III ёшида микроиқлим шароитида, V-ёшида баҳорда 5,0 %, кузги мавсумларда 1,5 % концентратли БФМ қўллаб сунъий дасталарда пилла етиштириш энг самарали усул бўлди. Бир вақтни ўзида I-ёшида микроиқлим шароитида БФМ қўллаб ипак қуртларини парваришланишнинг ортиқча самарадорлиги сезилмади (1-расм).



**1-расм. Ипак қуртининг боқиш усулини пилла ва қобиғини вазнига таъсири**

Тажриба натижаларига кўра, микроиклим шароитида БФМ қўллаб пилла етиштирилганда, ипак қуртининг қуртлик даври 2-3 кунга қисқарди. Ипак қуртининг ҳаётчанлиги назоратда 79 % тажрибада 94 % ни ташкил этди. Тадқиқот вариантыда етиштирилган пилла ва қобиғининг вазни назорат вариантга нисбатан (12/16,7; 9,8/12,1; 7,5/8,1) % га ошди; шунга мос равишда ипакчанлиги назорат вариантга нисбатан 3,36; 2,1; 0,57 % га кўпайган.

Пилладан хом ипак чиқиши, пилла ипининг умумий ва узликсиз чувилиш узунлиги пилла қобиғининг технологик хусусиятлари билан: жумладан бикрлиги, қалинлиги, қуввати, зичлиги, сийраклиги, ғоваклиги, ҳаво ўтказувчанлиги, сув шимувчанлиги ва ҳоказоларга боғлиқ.

Ўзбекистон-5 дурагайи пилла қобиғининг ўртача бикрлиги назорат вариантыга нисбатан баҳорда 0,23÷0,11 мм гача, кузда 0,23÷0,12 мм гача кам деформацияланиши аниқланди, бу эса анъанавий усулда етиштирилган пиллаларни ўртача бикрлигидан юқори эканлигини кўрсатди.

Ўзбекистон-5 дурагайи пилла қобиғининг ўртача қалинлиги назорат вариантыга нисбатан баҳорги, кузги мавсумда 0,21-0,20 мм га, табиий дасталарда 0,18-0,13 мм га ошганлиги аниқланди.

Ўзбекистон-5 дурагайи пилла қобиғининг ўртача қуввати назорат вариантыга нисбатан баҳорги, кузги мавсумда сунъий дасталарда 0,052 мг/мм<sup>2</sup>; табиий дасталарда 0,046-0,05 мг/мм<sup>2</sup> га ортганини кўрсатди.

Ўзбекистон-5 дурагайи пилла қобиғининг ўртача зичлиги назорат вариантыга нисбатан баҳорги, кузги мавсумда сунъий дасталарда 9,7-3,3 % га, табиий дасталарда 8,9 % га камайган.

Ўзбекистон-5 дурагайи пилла қобиғининг ўртача сийраклиги назорат вариантыга нисбатан сунъий дасталарда 9,06-6,77 % га, табиий дасталарда 8,30 % га ошган. Ипак қуртини плёнка остида парваришлаб сунъий дасталардан фойдаланиш пилла қобиғининг ўртача сийраклиги бўйича бир текис бўлишини таъминлади.

Ўзбекистон-5 дурагайи пилла қобиғининг ўртача ғоваклиги назорат вариантга нисбатан сунъий даста қўлланганда баҳорги ва кузги мавсумда 2,61 % га, 4,81 % га; табиий даста қўлланганда 2,34 % га, 0,71 % га ортган. Олинган натижалар янги усулда етиштирилган пиллаларга ДИБ, буғлаш, чувиш учун янги режимларни танлаш зарурлигини тақозо этади.

Ўзбекистон-5 дурагайи пилла қобиғининг ўртача ҳаво ўтказувчанлиги назорат вариантга нисбатан сунъий дасталарда 8,4-9,34 % га, табиий дасталарда 7,63-7,4 % га юқори бўлди. Юқорида баён этилганлардан кўринадикки, БФМ орқали тўйинган барг билан микроиклим шароитида боқилган қуртлар ва улар томонидан сунъий дастага ўралган пиллалар қобиғининг барча хусусиятлари яхшиланиши илмий жиҳатдан исботланди.


Микроиклим шароитида БФМ қўллаб сунъий ва табиий дасталарда Ўзбекистон-5, Ўзбекистон-6 ва Хитой дурагайларида етиштирилган пилла ва қобиғининг вазни ҳамда ипакдорлиги назорат вариантыга нисбатан сунъий дасталарда етиштирилган пилла вазни 11,9%, 12,8 %, 16,6 % га; пилла қобиғининг вазни 16,8%, 17,1 %, 14,6 % га; ипакчанлиги 4,3%, 3,7 %, 1,5 % га; табиий дасталарда етиштирилган пилла вазни 8,5%, 12,2 %, 15,8 % га; пилла қобиғининг вазни 11,4%, 13,4 %, 14,8 % га, ипакчанлиги 2,8%, 0,9 %, 0,7 % га ошган (1-жадвал).

#### 1-жадвал

#### Янги усулда етиштирилган қуруқ пиллаларни технологик кўрсаткичлари

Маҳсулдорлик белгилари	БФМ сунъий даста	БФМ табиий даста	Назорат	Назоратга нисбатан, %	Назоратга нисбатан, %	Фарқни ишончлилиги
<b>Ўзбекистон-5 (баҳорги)</b>						
пилла вазни, мг	816,7±12,6	791,2±18,7	729,3±26,3	111,9	108,5	0,99
қобиғ вазни, мг	449,9±6,4	429,3±7,6	385,2±10,5	116,8	111,4	0,99
ипакчанлиги, %	55,1±0,21	54,3±0,29	52,8±0,42	104,3	102,8	0,99
<b>Ўзбекистон-6 дурагайи (баҳорги)</b>						
пилла вазни, мг	845,5±16,4	841,6±25,1	749,7±30,6	112,8	112,2	0,99
қобиғ вазни, мг	473,1±5,3	458,2±6,1	404,1±8,3	117,1	113,4	0,99
ипакчанлиги, %	55,9±0,29	54,4±0,35	53,9±0,31	103,7	100,9	0,99
<b>Хитой дурагайи (баҳорги)</b>						
пилла вазни, мг	679,9±18,9	665,5±21,7	583,31±19,1	116,6	115,8	0,99
қобиғ вазни, мг	365,7±10,3	355,1±16,2	309,21±9,9	114,6	114,8	0,99
ипакчанлиги, %	53,8±0,27	53,36±0,29	53,0±0,49	101,5	100,7	0,99

Микроиклим шароитида БФМ қўллаб сунъий ва табиий дасталарда пилла етиштириш жараёни етиштирилаётган пилла ва пилла лосининг вазнига, унинг ифлосланганлик даражасига жиддий таъсир қилди (2-расм).



**2-расм. Турли хил дасталарда етиштирилган пилла ва пилла лосининг оғирлиги бўйича қиёсий таҳлили.**


Сунъий дастага ўралган пилланинг вазни 1630 мг бўлса табиий дастада 1550 мг, сунъий ва табиий дасталар остидаги ғонга ўралган пилларнинг вазни 1500-1480 мг га тенг бўлди. Сунъий дастага ўралган пилланинг вазни ўрта ҳисобда табиий дастага ўралган пилланинг вазнидан 80,0 мг, табиий ва сунъий дасталар остидаги ғонга ўралган пиллаларнинг вазнидан 130-150 мг кўп бўлди. Пилла лосининг вазни эса сунъий дастада 16,5 мг бўлса, табиий дастада 49,1 мг сунъий ва табиий дасталар остидаги ғонга ўралган пиллада 52,2-52,9 мг га тўғри келди. Сунъий дасталарни қўллаш ҳисобига етиштири- лаётган пилла вазни ортиши билан бирга ипак толаларини пилла лосига сарфланиши қўлланилаётган даста турига қараб 32,6 мг дан 36,3 мг гача камайган. Пилла лосини ифлосланганлик даражаси эса сунъий дастада 16 % ни, табиий дастада 61,8 % ни, сунъий ва табиий дасталар остидаги ғонга ўралганда 65,6-69,5 % ни ташкил қилган

Диссертациянинг “**Хўл пиллани тайёрлаш ва дастлабки ишлов бериш технологиясини такомиллаштириш**” деб номланган учинчи бобда пилланинг сифат кўрсаткичларига, узликсиз чувилиш узунлигига ва чувилиш коэффицентига пиллани пишиб етилганлик даражаси таъсири, микроқлим шароитида БФМ қўллаб сунъий дасталарда етиштирилган пиллаларга ДИБ ва пиллани қуритишнинг самарали технологик ўлчамларини танлаш тадқиқоти натижалари батафсил баён этилган.

Ипак қурти V-ёшини 8-кунидан бошлаб 3 кун давомида пилла ўрашга киришади, тўла пилла ўраб бўлган ипак қуртлари 36-48 соат давомида пилла ичида ғумбакка айланади. Лекин V-чи ёшини 8-куни 30-35 %, 9-куни 45-50 %, 10-куни 10-15 % ва 11-куни эса қолган 5-10 % ипак қурти пилла ўрашга киришади.

Хўл пилла ДИБ гунча ўзининг вазини меъёр бўйича 1,25 % га йўкотади, бироқ тадқиқотлар натижасига кўра 1-куни  $5,1 \pm 0,3$  % дан  $7,8 \pm 0,7$  % гача, 2-куни  $3,2 \pm 0,4$  % дан  $6,0 \pm 0,6$  % гача, 3-куни  $3,3 \pm 0,3$  % дан  $4,9 \pm 0,5$  % гача йўқотган. Бу эрта териб олиш ҳисобига меъёрдаги 1,25 % ўрнига бир неча баробар пиллалар оғирлигини кўп йўқатишини кўрсатди.

Микроқлим шароитида БФМ қўллаб сунъий дасталарда етиштирилган Ўзбекистон-5 дурагай пиллаларининг пишиб етилганлик даражаси аниқланди (3-расм).




**3-расм. Ўзбекистон-5 ипак қурти дурагайини ғумбакка айланиш муддати.**


Демак, баҳорги мавсумларда микроқлим шароитида БФМ қўллаб сунъий ва табиий дасталарда етиштирилган пиллаларнинг 19,9÷15,9 % назорат вариантда 12,6 % 4-куни; 73,7÷72,1%, назорат вариантыда 63,6 % 5-куни; 94,3÷93,9 %, назорат вариантыда 82,2 % 6-куни; 100÷100 %, назорат вариантда 93,6 % 7-куни; 97,9 %, 8-куни; 98,9 % 9 ва 10-куни 100 % ипак қурти тўла ғумбакка айланган.

Кузги мавсумда пиллаларнинг 16,7÷13,3 %, назорат вариантда 10,2 % 4-куни; 72,0÷70,5 %, назорат вариантыда 60,3 % 5-куни; 93,2÷92,9 %, назорат вариантыда 80,7 % 6-куни; 96,1÷95,7 %, назорат вариантда 91,1 % 7-куни; 100÷100 %, назорат вариантыда 97,3 % 8-куни; 98,4 % 9 ва 10-куни 100 % ипак қурти тўла ғумбакка айланган. Микроқлим шароитида БФМ қўллаб сунъий ва табиий дасталарда пилла етиштирилганда назорат вариантга нисбатан баҳорги мавсумда 3 кун, кузги мавсумда 2 кун олдин пишиб етилишини кўрсатди.

Микроқлим шароитида БФМ қўллаб сунъий дасталарда етиштирилган пилланинг пишиб етилганлик даражасини узликсиз чувилиш узунлигига ва чувилувчанлигига таъсири таҳлил қилинди (4-5-расмлар).



**4-расм. Пишиб етилмаган пиллани узликсиз чувилиш узунлигига таъсири.**



**5-расм. Пишиб етилмаган пиллани чувилувчанлиги таъсир.**

Ипак қурти пилла ўраб бўлгандан кейин дасталардан эрта териб олинган хўл пиллаларни чувиб кўрилганда уларнинг узликсиз чувилиш узунлиги ва чувилувчанлиги қуйидагича бўлди: 2-куни 297 м, 38 %; 3-куни 316,6 м, 45 %; 4-куни 569,6 м, 56 %; 5-куни 642 м, 61,6 %; 6-куни 686,3 м, 68,4 %. Олти ой саклаб чувиб кўрилганда 2-куни 405 м, 44,6 %; 3-куни 551,3 м, 64,3 %; 4-куни 623 м, 71,1 %; 5-куни 674,6 м, 74,3 %; 6-куни 685,3 м, 81,3 % га тенг бўлди.

Маълумки, хўл пилладаги намлик асосан ғумбакда бўлиб, 250-270 ҳатто 300 % гача бўлиши мумкин. Нормал ҳарорат ва нисбий намлигида қуруқ деб ҳисобланган пилла қобиғини намлиги 9-12 % гача бўлади. Ҳозирги кунда республикамиздаги Пиллага ДИБ базаларида хўл пиллани қуритиш технологик жараёнларида конвектив, яъни иссиқ ҳаво оқимидан фойдаланиш усули кенг қўлланилади (6-расм).



6-расм. Конвектив усулда пиллани қуритиш.

Иссиқликни конвекция усулида қўлланилганда 6-расмда келтирилгандек энергияни шиддатли оқими суюқлик оқимига нисбатан перпендикуляр йўналишда бўлса ҳам юзадаги суюқлик тезлиги перпендикуляр юзадаги шиддатли оқим бир хил бўлавермайди.

Шунинг учун ҳам иссиқликнинг шиддатли оқими намлик оқимини характерига боғлиқ ҳолда бўлади. Натижада ҳар бир дақиқадаги намликни қуйидагича ифодалаш мумкин.

$$W_x \langle W_k \langle W_{n.k} \langle W_g \quad (1)$$

бунда  $W_x$  – қуритаётган ҳавонинг намлиги;

$W_k$  – пилла қобиғининг ўртача намлиги;

$W_{n.k}$  – пилла қатламларидаги ҳаво намлиги;

$W_g$  – хўл ғумбакни ўртача намлиги;

Қачонки пилла қобиғидаги ( $W_k$ ) ва пилла қатламларидаги ( $W_{n.k}$ ) ҳамда ғумбак намликлари ( $W_g$ ) бир-бирига тенг бўлган ҳолда пиллани қуриган деб ҳисоблаш мумкин.

$$W_k = W_{n.k} = W_g \quad (2)$$

Иссиқ ҳаво қатламининг тезлиги юқори ҳароратга нисбатан пилла сифатига салбий таъсир кўрсатмайди, шунинг учун ҳам қуритиш жараёнида ҳаво босими барча қатламларда бир хил бўлишини таъминлаш билан бир қаторда иссиқ ҳаво ҳароратини жуда юқори бўлмаслигини таъминлаш зарур.

Стационар шароитда иссиқлик алмашуви  $Q$  қуйидагича ифодаланади.

$$Q = \alpha(t_g - t_k) \cdot F \quad (3)$$

бунда  $\alpha$  – иссиқлик алмашув коэффициентини, ккал / (м<sup>2</sup>·с град)

$t_g$  ва  $t_k$  – мувофиқ ҳолда ғумбак ва қобиғ ҳарорати;

$F$  – шиддатли ҳаво оқими юзаси, м<sup>3</sup>



Льюиса формуласига асосан иссиқлик алмашуви коэффициентининг ( $\alpha$ ) масса алмашув коэффициентига ( $\beta$ ) нисбати, суюқликнинг (намликнинг) иссиқлик алмашувининг изабар ҳажмига тенглигини қуйидагича ифодалаш мумкин.

$$\frac{\alpha}{\beta} = C_p \cdot V \quad (4)$$

бунда  $C_p$  – ҳавонинг иссиқлик ҳажми, доимий босим остидаги, ккал (кг.град)  
 $V$  – иссиқлик алмашувининг изабар ҳажми, м<sup>3</sup>

Иссиқлик алмашув коэффициенти эса

$$\alpha = \beta \cdot C_p \cdot V \quad (5)$$

Олиб борган амалий тадқиқотларимизда, ҳўл пиллани иссиқ ҳаволи оқимдаги агрегатга жойлаштирганимизда, ҳавога нисбатан қаттиқ босим остида ғумбакдан чиқаётган намлик натижасида кучли масса алмашуви содир бўлиши кузатилди. Конвектив қуритиш жараёни амалга оширилади.

Доимий босим шароитида бошланғич даврда пиллалар исий бошлайди, албатта буғланишни жадаллашиши намоён бўлади. Бу пилла қуритиш жараёнидаги дастлабки иситиш даври бўлиб ҳисобланади. Сўнгра қуритиш тезлигини доимийлигига ўтиш даврида ҳаво ҳарорати ва босим ўзгаришсиз сақланиб ( $t=\text{const}$ ;  $p=\text{const}$ ), бу ҳолда 1 м<sup>2</sup> пилла юзасидаги намликни 1 соатда буғланиши доимий вазиятга келади. Бу давр қуритишни доимийлиги ҳисобланади. Пиллалар юзасидаги буғлар босими ва агрегатдаги ҳаво босимлари мувозанатга келганда намликни буғланиши тўхтади. Бу давр қуритиш тезлигини пасайишига тўғри келади.

Таҷрибалар шуни кўрсатдики, микроқлим шароитида БФМ қўллаб сунъий дасталарда етиштирилган пиллалар қобиғининг намлиги назоратга нисбатан 30 % гача кам бўлганлиги учун пиллани иситишга кетган вақтни деярли 47 % га, умумий қуритиш вақтини эса 13 % га қисқартиришга эришилди (2-жадвал).

**2-жадвал**


**Пиллани қуритиш технологик режими ва пилла,пилла қобиғининг кўрсаткичлари**

Кўрсаткичлар	Вариант	Вақт, мин	Қуритиш ҳарорати, °С		Пилла бошланғич намлиги, %	ДИБгандан кейинги намлиги, %	Ҳўл пилла қобиғини намлиги, %	Ғумбаги ўлдирилган қобиқнинг намлиги, %	Сояли қуритиш даври, кун
			Киришдаги	Чиқишдаги					
V-ёшида 5,0 мл/л									
Ўзбекистон-5	1	48	110-115	70-75	150	101,810	9,8	7,6	34
Ўзбекистон -6	2					3,3	10,3	7,8	
Хитой дурагай	3					102,9	10,1	7,7	
Назорат									
Ўзбекистон-5	1	55	100-105	70-75	180	120,9	11,1	9,5	46
Ўзбекистон -6	2					121,9	11,1	9,6	
Хитой дурагай	3					122,3	11,5	9,7	

Микроиклим шароитида БФМ қўллаб сунъий дасталарда етиштирилган пиллаларни қуритишга кетган вақт тажрибада (назорат): пиллани иситиш даври 8 мин (15 мин); ҳароратни доимий ушлаб турилгандаги қуритиш даври 17 мин (18 мин); ҳароратни пасайтириб қуритиш даври 23 мин (22 мин); жами қуритиш (жонсизлантириш) даври 48 мин (55 мин) бўлди.

Диссертациянинг “**Янги усулда етиштирилган ҳўл ва қуруқ пиллаларни сақлаш технологик жараёнларини такомиллаштириш**” деб номланган тўртинчи бобида пилла ва пилла қобиғининг технологик кўрсаткичларига ДИБ ва сақлаш жараёнларининг таъсири, пиллани тайёр лаш, ДИБ ва сақлашжараёнларига таъсир қилувчи омиллар, пиллани сақлаш жараёнларида эскириши ва шикастланишининг назарий асослари, пилла сақлаш жараёнларини такомиллаштириш асослари, ҳўл ва қуруқ пиллаларни сақлаш технологик жараёнларини такомиллаштириш борасида ўтказилган тадқиқотлар натижалари батафсил баён этилган.

Пиллакашлик корхоналарини йил давомида узликсиз ишлаши учун, қуруқ пиллалар қанор қопларга 30 кг дан қилиб қадоқланиб, омборхоналарда баландлиги бўйича 9x10 қатор, узунлиги бўйича 10 қатор ва эни бўйича 2 қатор қилиниб 180x200 тагача қопдаги пилла шахмат ҳолда тахланиб, корхоналар омборларида 10-11 ой давомида сақланиб, қайта ишланади (7-расм).



**7-расм. Қанор қопларда пиллакашлик корхонаси омборларида сақланаётган пиллалар.**

Давлат стандарти талаблари бўйича меъёрий намликка келтирилган қуруқ пилла хомашёсини қайта ишлаш учун автотранспорт воситалари ёрдамида пиллакашлик корхоналарига жўнатилади. Пиллакашлик корхонаси омборларидаги ҳавонинг нисбий намлиги июль-август ойларида 30-45 % бўлса, декабр-февраль ойларига келиб 75-80 % га тенг бўлади. Пилла қобиғи юмшоқ ва ғовак бўлгани учун куз, қиш ва баҳор ойларида ўзидан нам ҳавони яхши ўтказиб юмшайди. Натижада пилла қобиғининг ташқи механик кучларга нисбатан қаршилиги кескин камайиши кузатилади. Пилланинг ташқи механик кучларга қаршилигини камайиши пилла қобиғини эзилишига сабаб бўлиб, пилла ва пилла қобиғининг шикастланишига олиб келади.

Пилла қобиғига таъсир қилувчи оғирлик кучи.

$$Q_p (Q_o : h) \cdot h_1 \quad (6)$$

бунда  $Q_p$ - кондицион оғирлик асосида ихтиёрий қатламга таъсир этувчи оғирлик ёки босим кучи, Н.

$Q_o$  - битта қаторда жойлашган пилла қатламининг асосга таъсир қилувчи оғирлик ёки босим кучи, Н.

$h$  - қатор баландлиги, м

$h_1$ - юқоридан ихтиёрий қатламгача бўлган масофа, м

Битта қаторда жойлашган пилла қатламининг асосига таъсир қилувчи оғирлик ёки босим кучи

$$Q_o = n \cdot q \quad (7)$$

бунда  $n$  – қанор қоплар сони, 10 та

$q$  – қанор қопдаги пилланинг оғирлиги, 30 кг (300 Н)

Сўридаги қанор қопларнинг баландлиги

$$h = (h_1 \cdot n) \quad (8)$$

бунда  $n$  – қанор қоплар сони, 10 та

Юқоридан оғирлик ёки босим кучи таъсир этаётган пастки қатламгача бўлган масофа

$$H = (h \cdot h_2) \quad (9)$$

бунда  $h_2$  – битта пилла қатламининг баландлиги, м (0,03 м ёки 3 см)

Бир метр квадрат юзага тушадиган оғирлик ёки босим кучи

$$G_{1M} = Q_p : F \quad (10)$$

бунда  $F$  – пиллаларнинг стелажга тегиб турадиган майдони, 0,5 м<sup>2</sup>

Битта пиллага тушадиган оғирлик кучи

$$G_p = G_{1M} : 500 \quad (11)$$

бунда 500 - битта қопдаги стелажга тегиб турган пиллалар сони, экспериментал йўл билан ҳисобланган.

Ҳисоб-китобларга кўра энг пастки қатламда жойлашган пиллага ўрта ҳисобда 11,95 Н оғирлик кучи таъсир қилади. Проф. Г.Н.Кукиннинг 19,6-24,5 Н босим кучи билан деформацияланиб, босим кучи олингандан кейин ўз ҳолига қайтади, ундан кўпроқ куч билан босилса пилла қайтмас деформацияга учрайди деган хулосаси ўз тасдиғини топди.

Қуруқ иқлимда етиштирилган пилла сақлаш жараёнларининг пилла ва пилла қобиғи технологик хусусиятларига таъсирини таҳлил қилинганда 1-вариант етиштирилган пиллага ДИБ кейин чувиб кўрилди. 2-3-вариант ларда ДИБ гандан кейин 2-ой полиэтилен қопда ва қанор қопда сақланиб чувиб кўрилди (3-жадвал).

Қуруқ иқлим шароитида етиштирилган пиллалар 2 ой давомида полиэтилен плёнка ва қанор қопларда сақланиб намлиги ва қобиғдаги чанг миқдори таҳлил қилинганда, полиэтилен қопда сақланган пилланинг намлиги ва қобиқдаги чанг миқдори ўзгармаган, қанор қопларда сақланган пиллаларда эса намлиги назорат вариантга нисбатан 7,1 %, 3,55 % гача пасайган, қобиғдаги чанг миқдори субтропик иқлим шароитида 5,16 % га,

**Турли усулда пиллаларни сақланишини уларнинг технологик хоссаларига таъсири**

№	Кўрсаткичлар	Субтропик ва қуруқ иқлимда				Хом ипакни чиқиши %	Пилла қобиғининг чувиш чанлиги, %	Узликсиз чувиш узунлиги, м	Чиқинди миқдори, мг
		Пилланинг намлиги, %		Қобиғидаги чанг, миқдори, % пилла оғирлигига нисбатан					
		Суб	Қуруқ	Суб	Қуруқ				
1	1-вариант	10,71	13,83	0,1	0,15	39,1	89,1	751	8,7
2	2-вариант	10,71	13,83	0,1	0,15	35,6	78,3	631	10,3
3	3-вариант	3,61	10,28	5,26	9,72	33,5	73,3	451	12,5

қуруқ иқлим шароитида 9,57 % га ортган, хом ипакни чиқиши полиэтилен плёнкада 3,5% га, қанор қопда 5,6% га, пилла қобиғининг чувишчанлиги полиэтилен плёнкада 10,8 % га, қанор қопда 15,8 % га, пиллани узликсиз чувиш узунлиги полиэтилен плёнкада 120 м га, қанор қопда 300 м га камайган.

Бу эса қанор қопда сақланган пиллаларга метрологик шароитнинг фасллар бўйича ўзгаришининг таъсири юқори эканлигини кўрсатди. Бундай салбий ўзгаришларни бартараф қилиш учун пиллаларга ДИБ ва чувишдан олдин СЭП ва СФМ лар билан модификация қилиб пилла қобиғининг технологик хусусиятларини сақлашга эришилди.

Диссертациянинг **“Микроиқлим шароитида БФМ қўллаб сунъий дасталарда етиштирилган пиллаларни чувишга тайёрлаш ва чувиш технологик жараёнлари”** деб номланган бешинчи бобида микроиқлим шароитида БФМ қўллаб сунъий дасталарда етиштирилган пиллаларни яқка пилла чувиш дастгоҳида чувиш технологик параметрлари, чувишга тайёрлаш ва чувиш, қуруқ пиллаларни СФМ лар билан модификация қилиб сақлаш ва чувиш, ҳўл пиллаларни паст хароратда сақлаш ва чувиш технологик параметрларини тадқиқоти, хом ипакни вакуум аппаратда намлаш технологик жараёнлари тадқиқоти натижалари келтирилган.

Тадқиқот натижаларига кўра, пилла ипининг узликсиз чувиш узунлиги ва умумий узунлиги назорат вариантга нисбатан 1,5 % ли концентрацияда 296-234 м га; 5,0 % ли да 455-312 м гача ортган. Чувишчанлик, ипакчанлиги ва ипак ипини чиқиши, 1,5 % да 8,8 %, 2,1 %, 6,68 %; 5,0 % да 12 %, 4 %, 9,5 % гача ошган. Пиллалараро нотекислиги, пилла ипининг нотекислиги, умумий нотекислик назорат вариантга нисбатан 1,5 % да 5,3 %, 8,3 %, 9,5 %; 5,0 % да 9,2 %, 8,7 %, 10,9 % гача камайган, чувиш жараёнида ҳосил бўладиган пилла лоси, санноҳ миқдори назорат вариантга нисбатан 1,5 % да 2,0 %, 0,7 %; 5,0 % да 2,6 %, 0,98 % гача камайган.

Микроиқлим шароитида БФМ қўллаб, сунъий дасталарда етиштирилган пиллалардан чувиб олинган 2,33 тексли хом ипакнинг сифат кўрсаткичлари назорат вариантга нисбатан юқорилиги таъминланди: жипслиги 80 %; узилишдаги чўзилиши 7,45 %; узиш кучи 16,85 %; майда нуксонлардан

тозалиги 9,2 % ва йирик нуқсонлардан тозалиги 5,0 % абсолют ортганлигини кўрсатди.


Шунингдек ишлаб чиқарилган ипак сифатида ҳам ижобий ўзгаришлар бўлди ва чувиб олинаётган хом ипакни 70 % “А” классга, назорат вариантдаги пиллалардан чувиб олинган хом ипакни 30 % эса “Б” класс талабларига мос бўлишини кўрсатди (4-жадвал).

**4-жадвал**

**“Ҳарир тола” пиллакашлик корхонасида ишлаб чиқилган хом ипакнинг сифат кўрсаткичлари**

№	Кўрсаткичлар	Назорат вариант	БФМ билан озиқлантирилгандаги ёши ва миқдори	
			V ёшида 5 мл/л БФМ	фарқи
1	Номинал чизиқли зичлиги, текс	2,33	2,33	---
2	Ҳақиқий чизиқли зичлиги, текс	2,31	2,34	1,3
3	Узиш кучи, сН	83,1	97,1	16,85
4	Узишдаги чўзилиши, %	12,53	19,98	7,45
5	Нисбий узилиш кучи, сН/текс	35,39	41,46	17,15
6	Жипслиги, кареткани юриши	32,3	58,3	80,5
7	Йирик нуқсонлардан тозалиги, %	94,9	99,9	5,0
8	Майда нуқсондан тозалиги, %	89,6	98,8	9,2


Пиллага ДИБ дан олдин сувли эритма билан модификация қилиб, чувиш натижасида хом ипакнинг чиқиши назорат вариантга нисбатан 1-вариантда кварталлар бўйича 9,6-9,8-8,6-10,3 % гача; 2-вариантда 7,6-7,8-7,6-7,7 % гача; 3-вариантда 5,3-5,6-5,6-6,1 % гача ортганлигини кўрсатди. ДИБ дан олдин модификация қилинган ва чувишдан олдин модификация қилинган пиллаларни чувилиш кўрсаткичлари таҳлил қилиб кўрилганда, чувишдан олдин модификация қилинган пиллаларга нисбатан хом ипакнинг чиқиши 1-вариантда кварталлар бўйича 4,0-3,9-2,8-3,9 % гача; 2-вариантда 2,1-4,3-1,9-1,5 % гача юқори бўлишини кўрсатди (8-расм).



**8-расм. Хом ипакни чиқиши.**

Ишлаб чиқарилган хом ипакни сифат кўрсаткичларини пасайишига асосий сабаблардан бири қайта ўраш жараёнида чарх парраклари билан чувиб олинган хом ипакнинг бир-бирига тегиб турган жойларини кучли ёпишиб қолиши натижасида узилишлар сонини кескин ортиб кетишидир. Бу муаммони бартараф этиш учун хом ипак стандарт калаваларга ўрашдан олдин турли хил ускуналарда намланади.

Хом ипакни намлаш вакуумли аппарати вакуум насос-1, ҳаво сўрувчи труба-2, ҳаво кенгайтирувчи камера-3, вакуумомер-4, ҳаво чиқарувчи вентил-5 ва вакуум камераси 6 дан иборат (9-10-расмлар).




**9-расм. Хом ипакни намлаш вакуумли аппаратининг технологик кўриниши.**



**10-расм. Вакуумли хом ипакни намлаш аппаратининг умумий кўриниши.**

Хом ипакни вакуумда намлаш аппаратида 5 та кичик чархдаги хом ипак жойлашади. 35 л сув сиғади. Аппаратда хом ипакни намлаш учун сарфланадиган вақт хом ипак ўралган кичик чархларни юклаш ва тушириш билан бирга хом ипакни ҳолатига қараб 10-15 минутгача давом этади (11-расм). Камера ичидаги хом ипакка суюқликнинг гидростатик босими қуйидагича аниқланди:



**11-расм. Мувозанат ҳолатидаги суюқликнинг босими (гидростатик босим).**

$h$  - суюқлик баландлиги, м ёки см.  
 $S$  - цилиндр шаклдаги идишнинг остки юзаси,  $\text{м}^2$  ёки  $\text{см}^2$ .  
 $P$  - суюқлик босими,  $\text{Н}/\text{м}^2$ .

Демак, юқоридаги расмдан кўриниб турибдики, намлаш камераси ичида мувозанат ҳолатида турган суюқлик идиш деворларига ҳамда кичик чархларга ўралган хом ипакка бир хил куч билан таъсир қилади. Суюқлик босими қуйидаги формула билан аниқланади.

$$P = F / S \quad (12)$$

бунда  $F$  – суюқликнинг оғирлик кучи, Н.

$S$  – цилиндрсимон идишнинг остки юзаси, м<sup>2</sup>.

Суюқликнинг оғирлик кучи бўлган  $F$  кучи ўз навбатида қуйидагича ифодаланади,

$$F = m \cdot g \quad (13)$$

бунда  $m$  - суюқликнинг оғирлиги, кг

$g$  - эркин тушиш тезлиги, 9,81 м/с<sup>2</sup>.

13-формуладаги  $m$ -суюқликнинг оғирлигини қуйидагича ифодалаймиз.

$$m = g \cdot V \quad (14)$$

бунда  $g$  – суюқликнинг зичлиги, Н/м.

$V$  – суюқлик ёки идишнинг ҳажми, кг/м<sup>3</sup>

14-формуладаги суюқлик ҳажмини қуйидагича ифодалаймиз.

$$V = S \cdot h \quad (15)$$

бунда  $S$  – цилиндрсимон идишнинг остки юзаси, м<sup>2</sup>.

$h$  – суюқлик баландлиги, м ёки см.

12-формуладаги  $F$  ўрнига 13-формулани қўйсақ суюқлик босими қуйидагича бўлади.

$$P = (m \cdot g) / S \quad (16)$$

16-формуладаги  $m$  – ўрнига 14-формулани қўйсақ суюқлик босими қуйидагича бўлади.

$$P = (g \cdot V \cdot g) / S \quad (17)$$

17-формуладаги  $V$ -ўрнига 15-формулани қўйсақ суюқлик босими ёки гидростатик босим қуйидаги кўринишга келади.

$$P = [(g \cdot S \cdot h \cdot g) / S] \text{ ёки } = g \cdot h \cdot g \quad (18)$$

Демак, 18-формуладан кўриниб турибдики, кичик чархдаги хом ипакни намлаш технологик жараёнида пастки, ўрта ва юқори қисмда жойлашган хом ипакнинг ички ва ташқи қатламларига Паскаль қонунига мувофиқ бир хил босимдаги суюқликнинг зичлиги, суюқликнинг баландлиги ва эркин тушиш тезликларининг кўпайтмалари миқдоридаги куч ёки  $P$ -суюқлик босими кучи (гидростатик босим кучи) таъсир қилади. Намлаш жараёнида хом ипак сувга бўқади, ёпишган жойлари юмшайди ва ипак толаси суюқликни шимиши ҳисобига шишади, натижада хом ипакни ёпишган жойларини бир-биридан ажралиши ҳисобига қайта ўраш жараёнига салбий таъсир қилувчи адгезия кучи қиймати камаяди.

Намлаш хом ипакнинг физик-механик хусусиятига маълум даражада таъсир кўрсатади ва унинг қайта ишланиш хоссасини ниҳоятда ўзгартириб юборади. Хом ипакнинг узувчи кучи миқдори 4-6 % га камаяди, чўзилишдаги узайиши 3-4 % га ошади. Бинобарин, чўзилишдаги эластиклиги, қайишқоқлиги

маълум даражада ошади, хом ипакнинг боғланиш хусусияти 30-50 % га камаяди.

Диссертациянинг **“Ипакчилик технологиясини комплекс такомиллаштиришда кластер асосларини концептуаль модели, жараёнлари ва тадқиқотдан олинган иқтисодий самарадорлик”** деб номланган олтинчи бобида пилла етиштириш, ипак ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш технологияларини такомиллаштиришдаги кластер тизимини яратиш усуллари, кластер тузишга доир вазифаларни аниқлаш, “Ипак кластери” тизимига кирувчи корхоналарни аниқлаш ва асослаш, тадқиқотдан олинган иқтисодий самарадорлик масалалари батафсил ёритилган.

2017 йилдан “Ўзбекипаксаноат” уюшмасида тубдан ўзгаришлар бошланди. Тутзорларни барпо қилиш, уруғчиликни ривожлантириш, ипак қуртини парваришини баҳор-ёз ойларида такрорий тўрт мартагача етказиб пилла етиштиришни саноат усулига ўтказиш бўйича сезиларли ишлар олиб борилди. Тадқиқотнинг асосий мақсади ипак технологиясини комплекс такомиллаштиришга йўналтирилганлиги учун ҳам, аввало кластер асосларини концептуаль моделини тузишга ва жараёнларни кетма-кетлигини аниқлашга қаратилди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, ипакчилик саноати тармоғида “Ипак кластери”ни ташкил қилиш бўйича қуйидаги концептуаль моделни тавсия қилдик (12-расм). Бу концептуаль моделга таяниб ҳар бир жараёнда тадқиқ этилиши, такомиллаштирилиши зарур бўлган технологик изланишлар белгиланди.



**12-расм. Ипакчилик технологиясини комплекс такомиллаштиришда кластер асосларини концептуаль модели.**

Тут қўчатини етиштириш ва тутзорларни пайдо қилиш; ипак қурти уруғини селекциясини яхшилаш, саноат усулида пилла етиштиришга ўтиш, улардан пилла чувиш корхоналари томонидан сифатли хом ипак ишлаб чиқариши, ички ва ташқи бозорларда харидоргир ипак матолари, нафис кийимлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, уларни сотишдан келадиган фойда улушидан барча технологик занжирда узликсиз инновацияни жорий этишни;



ходимларни қўшган улушига қараб моддий манфаатдорлигини таъминловчи, адолатли мезон ишлаб чиқилиши, уларни ўқитиш, малакасини ошириш зарурлигини тақозо этади. “Кластерга” таалуқли технологик жараёнларни назарий ва амалий ечимларини топишда математик методдан фойдаланилди.

Математик моделни тузишда асосан ҳажм миқдори иқтисодий самарадорлик ва сифат кўрсаткичлари қабул қилинди:

$$\begin{aligned}
 & i = 1, 2, 3, \dots, n; \\
 & P_i(X^*) = \text{extr } P_i(X) \\
 & X = \{X_1, X_2, \dots, X_k\} \\
 & P_i = P_i(X) \quad i = 1, 2, 3, \dots, n
 \end{aligned}
 \tag{19}$$

бунда  $X_1, X_2, X_3, \dots, X_{m.x}$  – тизимдаги объектларни маҳсулот ҳажм миқдори;


$X^*$  – маҳсулотнинг оптимал миқдори;

extr – максимал ёки минимал миқдори;

$P_i$  – сифат кўрсаткичлари.

